

ТАДБИРКОРЛИК
 ФАОЛИЯТНИ БОШЛАШ НЯТИҚДАМИСIZ?

XXI АСР НАФАСИ
 воқеалар,
 хабарлар,
 тафсилотлар

**ОҚСОҚОЛНИ
 ЭЛ САЙЛАЙДИ**

**РУТБАЛИ
 ОТЛАР**

MEZON
 Фуқаролар йиғинида ҳозир бўлган фуқароларнинг ярмидан кўпчилиги овозини олган номзод фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчиси вазифасига сайланган ҳисобланади.
 Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови якунлари бўйича фуқаролар йиғини қарор қабул қилади ҳамда мазкур қарор фуқаролар йиғинида раислик қилувчи томонидан ўқиб эшиттирилади.
 Фуқаролар йиғини баённомаси икки нусхада тузилиб, битта нусхаси сайлов якунларини умумлаштириш учун тегишли туман ёки шаҳар комиссиясига тақдим этилади.
 Туман ва шаҳар комиссиялари фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови якунларига доир умумлаштирилган маълумотларни тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ёки Тошкент шаҳар комиссиясига топширади.
«FUҚAROLAR ЙИГИНИ РАИСИ (ОҚСОҚОЛИ) ВА УНИНГ МАСЛАХАТЧИЛАРИ САЙЛОВИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН, 24-МОДА.

ИНСОН ва ҚОНУН
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ
 № 20 (475)
 2006 йил 23 май сешанба
 Сотувда эркин нархда

ТИНЧЛИК ҲАР НАРСАДАН АЗИЗДИР!

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов «9 май — Хотира ва қадрлаш кунини» бағишланган учрашувда кенг жамоатчилик эътиборини яна бир марта тинчлик ва барқарорлик масаласига қаратди. Бу бежиз эмас, албатта.



Президентимизнинг «...Жаҳонда, минтақамизда тинчлик ва барқарорликка асосланган бугунги ва эртанги ҳаётни таъмин этиш керак», деган даъвати ҳаётини зарурий ҳосиласидир. Бу тинчлик ва оқсоқолилик учун доимий курашни лозимлигини аниқлатади. Янаям тўғрироғи, ҳаётга очик ва хушёр кўз билан қараб, тинчлик ва хотиржамликни бебаҳо неъмат сифатида қадрлаш лозимлигини кўрсатади. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, ҳаётда воқеаларни бефарқ ва лоқайд кузатувчи сифатида эмас, уларга бевосита дахлдор, тинчлик ва оқсоқолилик, фаровон ҳаёт ва тарққийт курашчилари бўлиб яшашга ўрганишимиз зарур.

Тинчлик ва хотиржамлик барқарор бўлган жойдагина тарққийт юз беради, фаровонлик ва маъмурият юзага келади. Бу — исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Шу боис бани башар тинчлигини азиз ва муътабар неъмат деб билади. Чунки уруш ва нифоқ олови аланга олган жойда инсонга зарур бўлган энг оддий неъматлар ҳам катта озуларга айланади.

Шу маънода халқимизнинг дуоси, бир-бириндан хол-аҳвол сўрашиши замирида олам-олам маъно-маъман ва ҳикмат муҷассам. «Бир кун уруш-жанжал чиққан жойдан қирқ кун барака қочади», деган оддий халқона ҳикматнинг маъноси афсусли, ҳамма ҳам бирдек чақомайди. Акс ҳолда бу юзидан хунрезликлар, зуравонликлар, қирғинбарот-урушлар рўй бермаган бўларди. Биргина иккинчи жаҳон уруши инсоният бошига қандай қўруғлик ва жудоликлар солмади дейсиз? Ун гулдан бир гули очилмай ҳаётдан кўз юмганлар, бедарак йўқолганлар, бир умрга майиб-мажруҳ бўлиб қолганлар, бева-бечоралар, етимлар — бундай жудолик ва фожиаларни санашига тил ожиз қилади.

Бугунги серғалва, таҳлика-ли замонда тинчлик ва барқарорликни сақлаш янада муҳимроқ аҳамият касб этмоқда. Нега деганда, ўз манфаатлари йўлида ҳеч қандай аъзуликдан қайтмайдиган қабиҳ ният-ли кўчлар ҳам йўқ эмас. Улар тинч ва барқарор ҳаётни издан чиқариш, одамларнинг эртанги кунга бўлган ишончини сўндириши, улар ўртасига турли фитна ва нифоқ солиш орқали ўз мақсадларига етишишни кўзлайди. Шу сабабли теловарак-атрофда рўй бераётган ҳар бир воқеа-ҳодисага миллий манфаатларимиздан келиб чиққан ҳолда ёндашишимиз лозим.

Тарихга назар ташласак, инсоният ҳар доим тинчлик учун курашиб келганига гувоҳ бўламиз. Ўз эркига эга бўлиш, тақдирини ўзи ҳал этиш, фаровон ва осуда ҳаёт кечирish учун ота-боболаримиз жон олиб-жон беришган, не-не машаққатлар чекишган. Уларнинг жасорат ва фидойийликлари ҳеч қачон унутилмайди. Миннатдор авлодлар улар хотирасига ҳаммаша ҳурмат-эҳтиром баҳо қачон унутилмайди. Миннатдор авлодлар улар хотирасига ҳаммаша ҳурмат-эҳтиром баҳо қачон унутилмайди.

Мухтарам Юртбошимиз вилоятимизга таширф буюрганида ялт этиб хаёлимдан бир фикр ўтди. Бундан беш йил муқаддам Ислам Каримов вилоятимиз аҳли билан учрашиб, сизлар улуг мутафаккир шоир Алишер Навоий ҳазратлари номи билан аталган вилоятда яшай-сизлар, ҳадемай миллиятимиз гурури бўлган улуг бобомиз таваллудининг 560 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланади. Шу табарруқ тўйини сизларнинг вилоятдан бошласак, нима дейсизлар, деган эди.

Тенгсиз бобомизнинг тўйи муносабати билан давлатимиз раҳбари илгарти сурган тақлиф ва гоҳ асосида шахримиз марказида Навоий номидаги муҳташам боғ барпо этилди. Шунингдек, улуг шоиримизга муаззам ҳайкал қўйилди.

Навоийликлар яхши биладики, бугун мана шу улугвор боғ ястаниб ётган 100 гектардан ошмиқ майдон яқин-яқингача чағни чиқиб, шаҳар кўрғига доғ бўлиб келган. Шаҳар барпо этилган, ўтган қирқ йил давомида бирор-бир раҳбар: «Нега шахримизнинг қоқ маркази тақрир сайҳон бўлиб ётибди?!», — деб ўйлаб кўрмаган.

Мухтарам Юртбошимизнинг ташаббуси билан ана шу ташландиқ жой обод этилди, кўрган кўзни кувонтирадиган боғу буюстонга айлантирилди. Ҳозир ҳар нафасда келин-куёвлар бу муътабар зиёратгоҳга келиб, улуг шоиримиз пойига гуллар қўйишади. Отагонлар невараларини етаклаб, гўзал боғда сайр этишади.

Яхшидан боғ қолади дегани шу бўлса керак?!
 Яхлит оладиган бўлсак, Президентимиз ташаббуси билан вилоятимизда амалга оширилган беқиёс ўзгаришлар беҳисоб, албатта. Ана шундай эзгу ишлардан бири ҳазрати Қосим Шайх мақбара мажмуининг тубдан қайта таъмирланиши ва обод зиёратгоҳга айлантирилишидир.

ЯХШИНИНГ ШАРОФАТИ

ётган Навоий кончили институтини олайлик. Марказий Осиёда ягона бўлган бу олай даргоҳ қошида ҳозир Техника коллежи ва лицей-интернат ҳам ишчил фаолият юритмоқда.

Утган йили ишга туширилган «Навоий-Султон Увайс-Нукус» янги темир йўли бугун йўловчиларнинг узогини яқин қилиш билан бирга, Қизилқум сановат минтақаси имкониятларини янада кенгайтирмоқда. Худди шунингдек, Юртбошимиз ташаббуси билан барпо этилган «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонаси, Қизилқум фосфорит комбинати ва бошқа янги, замонавий ин-

шоотлар ҳақида ҳам узоқ гапириш мумкин.
 Бугунги кунда Ўзбекистон олтини жаҳон бозорига алоҳида қадр-қиммат касб этди. Шубҳасиз, ушбу олтиннинг асосий қисми Навоий кон-металлургия комбинатида тайёрланади.

Собик империя парчаланаятган, иттифоқдosh республикалар ўртасида иктисодий алоқалар зулғайтаётган тўқсонинчи йилларда мазкур йирик сановат корхонаси бугунги йилнинг 8-ақсига келиб қолган эди. Ўшанда мамлакатимиз раҳбари Қизилқум сановат минтақасига таширф буюриб, барчаннинг кўнглини кўтаргани, маблаг топиб бериб, йирик корхонани замон талаблари асосида таъмирлатгани, янги машина ва эксковаторлар, янги технологиялар билан таъминлаб бергани

нани кўриб, юрагингиз туз селгандек ачишарди. Муқтақилиқдан кейин наинки қадимий Бухороий шариф, балки туман марказлари ҳам тубдан янги-чи қиёфа, кўрку жозоба касб этди. Бундан икки йил муқаддам улуг мутафаккир Абдуҳолик Ғиждувоний таваллуд муносабати билан бухоролик етти пирининг қадамжолари тубдан таъмирланиб, қайта қурилгани, тамомила янги-чи қиёфа касб этгани ҳаммамизни хайратга солди. Бундан ташқари, Чор Бақир тарихий обида мажмуаси ҳам тубдан қайта таъмирландики, бу хайрили ишларнинг ташаббускори ҳам мухтарам Юртбошимиздир.

Яхши инсоннинг шарофати билан воҳамизда амалга оширилган ва оширилайотган бу каби кутлуг ишлар ҳар биримизнинг дилимизда қувонч ва фخر-ифтихор бағишлайди. Қадимимизни осмон қадар юксалтиради. Шу маънода, айтиш кераки, ҳар биримиз Юртбошимизга ҳамдам, ҳамнафас бўлишни, бу улуг инсон бош бўлган хайрили ишларни сиздиқил адо этишни астойдил истаймиз. Севимли шоиримиз, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов айтгандек:

Истиқлолимизнинг 15 йиллигига

Куч — адолатда. Президентимиз Ислам Каримов муқтақилликнинг дастлабки давридаёқ буюк бобомиз, Соҳибқирон Амир Темурнинг ушбу ҳикматли сўзларини ривожлантириб «Адолат — қонун устуворлигида» деб таъкидлагани замирида айни шу ҳаётини раис (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчиси вазифасига сайланган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири Бўритош МУСТАФОЕВ билан мамлакатимизда қонун, адолат ва ҳақиқат устуворлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, бунда фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг ўрни ва аҳамияти ҳақида сўхбатлашдик.

МУСТАҚИЛЛИК ВА ҲУҚУҚ

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири Бўритош Мустафоев билан сўхбат

— Мамлакатимизда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилган, — дейди Б. Мустафоев. — Зотан, демократлаштириш жараёнида фаол иштирок этиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш ҳар бир юртдошимиздан етук ҳуқуқий маданият соҳиб бўлиши тақозо этади. Бинобарин, ўз ҳуқуқини пухта билган инсоннинг, аввало, оиласи, фарзандлари, юртдоши ҳуқуқини, қолаверса, Ватан муқтақиллигини ҳимоя қилишга қодир бўлади.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий ва конституциявий асослари муқтақилликнинг илк босқичидаёқ шакллантирилади бошланди. МДХ давлатлари орасида биринчилардан бўлиб юртимизда Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида қонун қабул қилинди. Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ ташкил топди. Кўппартиявийлик тизими сингари, ўзида мамлакат аҳолисининг барча қатламлари манфаатларини қондалаган демократик институтлар, нодавлат нотижор ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кенг фаолият юритаётди. Оммавий ахборот воситаларининг эркин ривожланиши учун барча имкониятлар яратилган. Бизнес ва тадбиркорлик, фермерлик, касаначилик, халқ унармандчилиги ривожига кенг йўл очилган.

Гоятда қизгин кечаятган ушбу ижтимоий-сиёсий жараёнда халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, қабул қилинаётган қонунлар, суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар моҳиятини аҳолининг барча қатламлари онинга етказиш олдимида турган долзарб вазифаларнинг энг муҳимларидандир. Ҳозирги кунда ҳаётимизнинг турли жабҳаларида бўлгани каби қонун ижодкорлиги соҳасини ҳам эркинлаштиришга қаратилган туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Ана шу ижобий ўзгаришлар натижасида қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари замирида одамлар ҳақида ғамхўрлик ўз муҷассамини топаётди.

Қонун ҳужжатларининг мазмунидан, айни чоғда, мамлакатимизда амалга оширилаётган қамрови кенг ислохотлардан, хусусан, давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ тизимидаги демократик янгиланишлардан жамиятнинг батафсил хабардор бўлиши, фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва маърифий савияси юксалиши жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислохот этиш жараёнларини янада чуқурлаштиришнинг гоят муҳим шарт бўлиб қолмоқда.

Бу борада Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури ижроси доирасида кенг куламли ишлар ишчил давом этирилмоқда. Жойларда адлия идоралари томонидан жорий йилнинг биринчи чорағида 10 миңдан зиёд, ўтган йили эса 30 миңдан

ортиқ ҳуқуқий тарғибот ишлари, юзлаб илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва давра сўхбатлари, шунингдек, оммавий ахборот воситаларида ҳуқуқий мавзуларда юзлаб чиқишлар ташкил этилгани шундан далолатдир.

Диққат, танлов!

«Ҳуқуқ ва бурч» республика танлови

«Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури» ижросини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини, шунингдек, ҳуқуқий тарғибот самардорлигини ошириш борасида барча давлат идоралари, ҳуқуқшунос ва журналистлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Адлия вазирилик ҳуқуқий саводхонлик ва ҳуқуқий маданиятни оширишга йўналтирилган мавзулар бўйича «Ҳуқуқ ва бурч» республика танловини эълон қилади.

Танловга тақдим этилган мақолага муаллифининг исми-шарифи, иш жойи ва лавозими, телефон рақами ҳақидаги маълумотлар ҳамда паспорт нусхаси илова қилиниши лозим.

Танловга тақдим этилган мақоалар журналистлар, Адлия вазирилик масъул ходимлари ва жамоатчилик вакиллари орасидан танланган Танлов комиссияси томонидан кўриб чиқилади ҳамда баҳоланади.

Танлов Ҳуқуқ ва бурч Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун арағида якунланади ва ғолиблар матбуотда эълон қилинади.

Танлов Ҳуқуқ ва бурч Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун арағида якунланади ва ғолиблар матбуотда эълон қилинади.

Манзилимиз: Сайхонхўра кўчаси 5-уй, Адлия вазирилик биноси. Мурожаат учун телефонлар: 133 - 50 - 17, 133 - 12 - 91.

Мамлакатимизда тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирётган фуқаролар сони тобора ортки бораётди. Хуқуқий билими етарли эгалари, қандай ҳужжатларни расмийлаштириш лозимлигини яхши билмаслиги боис, айрим фуқаролар тадбиркорлик фаолиятини бошлашда қийинчиликларга дуч келишади. Шу нуқтан назардан, қуйида бу ишга доир айрим маълумотларни баён этишни лозим топдик.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рўхсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида»ги қарори билан тадбиркорлик фаолиятини бошлаётганлар учун асосий меъёрий ҳужжат саналди. Унда асосан яқна тартибда тадбиркорлик (жисмоний шахслар) фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлган ва юридик шахс ҳуқуқига эга бўлмоқчи бўлган тадбиркорлик субъектлари қандай ҳужжатларни тўғлаб, қайси идорага мурожаат қилишлари зарурлиги кўрсатилган.

Низомнинг 11-12-бандларига биноан, юридик шахс сифатида тадбиркорлик фаолиятини билан шуғулланиш истагини билдирган фуқаро қуйидаги ҳужжатларни тўғлаб туман (шаҳар) ҳокимияти хузуридаги «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси»га мурожаат қилади:

- тегишли тартибда ариза;
- таъсис ҳужжатларининг нотариал тасдиқланган икки асл нусخаси;
- тадбиркорлик субъектнинг почта манзилини тасдиқловчи ҳужжат;
- энг кам иш ҳақининг беш бараварини тўланганлиги ҳақида давлат божи ёки рўйхатдан ўтказиш йиғинининг тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;
- статистика идораси томонидан тасдиқ этилаётган ташкилотнинг номи тасдиқлангани ҳақида маълумотнома;
- ташкил этилаётган ташкилот-

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ БОШЛАШ НИЯТИДАМИСIZ?

унда қуйидаги қоида ва имкониятлардан фойдаланинг



нинг 3-нусахда муҳр ва тамга эскизлари.

Оқибатда Низомга асосан ҳорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар Адлия вазирлиги ва жойлардаги вилоят адлия бошқармалари томонидан давлат рўйхатидан ўтказилади. Ўзбекистон ҳудудида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширмоқчи бўлган юридик шахс ҳуқуқига эга чет эл юри-

оналари қачон ва қаердан давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақида савдо реестридан қўчирама ва ушбу корхонага хизмат кўрсатувчи банқадан тавсия хатини тақдим қилади. Қўрсатилган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасаси томо-

нидан белгиланган тартибда легализация қилинган бўлиши керак. Акс ҳолда, корхона рўйхатидан ўтказилган давлатнинг Ташқи ишлар вазирлигида, мазкур мамлакатнинг Ўзбекистон Республикасидаги консуллик муассасасида ёки дипломатик ваколатхонасида легализация қилинади.

Булардан ташқари, тадбиркорларга қулай шарт-шароит яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 октябрдаги 224-сонли «Ўзбекистон Республикаси айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, базилларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги қарорига асосан давлат рўйхатидан ўтказиладиган чет эл корхоналари томонидан тўланадиган давлат божи 2000 АҚШ долларидан 500 АҚШ долларига камайtirилди. Чет эл фуқароси ёки чет эл юри-

Huquqiy ma'rifat

дик шахс ҳуқуқига эга бўлган корхоналар Ўзбекистонга инвестиция киритиб тадбиркорлик фаолиятини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширган тақдирда, уларнинг ҳуқуқлари 1998 йил 30 апрелда қўйилган «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги қонуннинг 9-моддаси ва «Чет эл инвесторлар ҳуқуқларини қорғолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддасига асосан давлат томонидан кафолатланади ва ҳимоя қилинади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 13 ноябрдаги «Бозорни истеъмол товарлари билан тўлдиришни рағбатлантириш ҳамда ишлаб чиқарувчилар ва савдо ташкилотларининг ўзаро муносабатларини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан қуйидаги имтиёزلар белгиланган:

- истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналар истеъмол товарларини ишлаб чиқаришдан олинган даромад (фойдадан) 20 фоиздан камайtirилган ставка билан даромад солиғи тўлайдилар.
- болалар учун товар ишлаб чиқарувчи корхоналар болалар учун ишлаб чиқарилган товарлардан олинган даромадлардан 7 фоиз ставка бўйича даромад (фойда) солиғи тўлайдилар.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги қарори билан тасдиқланган Низомга асосан тадбиркор давлат рўйхатидан ўтган сўнг туман (шаҳар) ҳокимияти хузуридаги рўйхатга олиш идорасига тегишли тартибда ариза ёзиб газ, сув, телефон, электр тармоқларига уланishi ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун мурожаат қилиши мумкин.

Нодир МҲМИНОВ, хуқуқшунос

Jarayon

Айни кунларда мамлакатимизда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва маслаҳатчилари сайлови бўлиб ўтмоқда. Шу муносабат билан ҳар бир маҳаллада ўтган йилларда амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, ютуқлар омили ва йўл қўйилган камчиликлар сабаблари муҳокама этилмоқда, улардан истиқболдаги режаларни муваффақиятли адо этишда асқотадиган сабоқлар чиқарилмоқда.



ОҚСОҚОЛНИ ЭЛ САЙЛАЙДИ

Мамлакатимизда маҳалла оқсоқоли ва унинг маслаҳатчиларини сайлашда яхши тажриба тўпланган. Қолаверса, бу тадбир халқимизнинг асрлар мобайнида давом этиб келаятган кўпга аъна ва урф-одатларига йўғун. Маънавий меросимизда бу ҳақда теҳан ҳамда халқона тавсиялар мавжуд. Чунончи, бобокалонимиз Фаробий «Фозил одамлар шаҳри» асарига бошқарув фаолиятига масъул шахс табиятан салоҳиятли, жисмонан ва маънан соғлом, уздабурон, ҳушёр, фикрини аниқ қиладиган оладиган, билимга интилувчан, тўғрисиў бўлиши, ҳақиқатгўйлари севishi, ёлгончилардан нафратланиши, ўз қадрини билиши, эзуғликка ва саҳийликка интилиши, бойликка қизикмаслиги, ёвузлардан нафратланиши, туғишанлари-у беғоналарга бирдай адолатли муомалада бўлиши керак, дея ўқитган.

Маҳалла оқсоқоли ва унинг маслаҳатчиларини сайлашда асло адашмаслик, тавсифан кўйилган номзодларнинг сайлана қилишидан эҳтиёт бўлиш лозим. Маҳалла оқсоқоли вазифасига, ҳақли равишда, маҳалла аҳлининг ҳурмат-эътиборини қозongan, кенг фикрли, қатта ҳаётий тажрибага эга, ҳалол ва билимдон кишилар сайланиши даркор.

Мамлакатимизда бозор муносабатлари шаклланаётган бугунги кунда аҳолининг кам таъминланган қатламини ижтимоий

Норбой БЕКНОЗОВ, профессор

Tahil va saboq

ҚОНУННИ БИЛГАН ҚОҚИЛМАЙДИ

Бундан бор-йўғи ўн беш-йигирма йил аввал кимдир «эртага оддий деҳқон ҳам мулкдор бўлиб, ер ээсига айланади», деса, ҳеч ким ишонмасди. Чунки у пайларда ер фақат қолхоз-совхозларники, деҳқонлар эса ана шу хўжаликлар учун тегили ички кичи саналарди. Шунингдек, собиқ тузум даврида йил ўн икки ой елкасидан кетмони тушмаган деҳқоннинг ҳеч қачон қосаи оқмасди. Шўқри, истиқлол туғилди барча соҳаларда бўлгани каби қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам кенг куламли ислохотлар ўтказилмоқда. Ана шу ислохотлар натижасида мамлакатимизда фермерлик ҳаракати кенг қулоқ ёғди ва бугунги кунда қишлоқ хўжалиги махсулотларининг асосий қисми фидойий фермерларнинг ҳало мдехати ээзиса еттиштирилди. Демак, соҳада ўтказилаётган ислохотлар ўз ижобий натижасини бермоқда.

Кейинги пайларда таҳририятимиз хаткўтисига келиб тушаётган кўпгина мактубларда айнан фермер хўжалиқлари, жойларда улар кўлга киритаётган ютуқлар ва шунинг баробарида айрим туманларда янги фермер хўжалиқлари ташкил этиш жараёнида йўл қўйилаётган айрим хато-камчиликлар ҳақида сўз боради. Шунинг учун ҳам биз бугун айни мавзудаги мактубларнинг таллаб олиб, сизларнинг эътиборингизга ҳавола этишни лозим топдик.

Ушбу мактубни бизга Қашқадарь вилояти, Китоб тумани, Қуйёқой қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган Мусабозор қишлоғида яшовчи, «Мурод Ислам Фулом» фермер хўжалиги раҳбари Муродкул Ибрагимов йўлаган.

«ҲАҚИҚАТ СИНМАС ЭКАН...»
«Журнал таҳририят ходимлари! Сўзимнинг аввалида таъкидлаб ўтай, мен ушбу мактубни сизларга ёрдам сўраб эмас, аксинча, миннатдорчилик сифатида йўллаяман. Умид қилсамки, мактубим эътиборингизга қолмайди. Келинг, гапни чўзамай мақсадга ўтиб қўяй.

Маълумки, айни пайларда мамлакатимизда ширкат Орадан уч-тўрт ой тиб (Давоми тўртинчи бетда)

Jinoyat va jazo

Асли Чиноз туманида туғилган, айни пайтда қўшни республика фуқароси бўлган М.Мунавворов гийҳвандлик моддаларини контрабанда қилиш бўйича ўзи томонидан ишлаб чиқилган жиноий режа бунчалик тез барбод бўлишини сира ўйламаганди. Ҳар доим сўвдан куруқ чиқадингиз бу одам нега бу гал жарақ-жарақ мўмай пуллаор оғушида эмас, аксинча, темир панжара ортида ўтирибди?

ҚИРҚИЛГАН «ИЛДИЗ»

Суд очерки

Қилмиш-қидириш деганларидек, одил суд уни 15 йил мудатга озоидикдан маҳрум этиш тўғрисида ҳукм чиқарган экан, демак, анди ўйлаб қўриш учун унда вақт етарли. Илгари ҳам мамлакатимизнинг амалдаги қонунларини буғаланиги учун икки марта судланган М.Мунавворов таваб қилишни сира ҳавлига ҳам келтирмади. У қариндошларини қўриш баҳонасида ўзи туғилган Чиноз туманига қойинги пайларда тез-тез келадиган одат чиқарди. Вақти келганда, қариндошларини ҳам «чўв» туширган бу кимса аслида жиноий тўда тузиш учун ўзига ҳамтовоқлар излаётганди.

Кўр кўрни қоронгида топади, деганларидек, М.Мунавворовнинг тузоғига биринчи (Давоми тўртинчи бетда)

Jamiyatimiz maqsadi

Бола дунёга келгач, оила, боғча, мактаб ва маҳалла бағрида вояга етати, тарбия олади. Бола онгда ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда оила, боғча, мактаб, маҳалла ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга. Ёш авлодга бўлиб ўрилган ҳуқуқий тарбия шахсининг баркамол бўлиб ўсиш-ўлғайишни таъминлаш билан бирга, унинг ўз бурча ва вазифаларини билиб олишига, қонунларга ҳурмат билан қарашига қўмақлашади. Бу гоията масъулияти ва мураккаб вазифадир.

ШАРАФЛИ БУРЧ

Баркамол авлод тарбияси учун барчамиз масъулмиз

Давлатимиз раҳбари Исом Каримов Конституцияимизнинг 8 йиллига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида шундай деб таъкидлаган эди: «Биз қонун устуворлигига эришгандагина ўзимиз учун мақсад қилиб қўйган адолатли, эркин жамият, фаровон ҳаёт барпо этишини мумкин. Мен Конституцияни болалар боғчасидан бошлаб ўргатишни, мактабларда дарслик тарикасида ўқитишни, олий ўқув юртрларида махсус бир дара сифатида ўргатишни бугун барча мутасадди раҳбар ва ташкилотларга топшириш тарикасида айтмоқчиман. Токи униб-ўсиб келаятган ёш авлодимиз Конституциянинг маъно-мазмунини, у халқимизнинг истиқлол йилларида эришган улкан тарихий ютуғи эканини тегран аниглаб етсин».

Дарҳақиқат, фарзанд тарбияси барча даврларда жамият ҳаётида энг долзарб вазифа бўлиб келган. Бу вазифа оғина эътиборини қаралса, кўп салбий оқибатларга юзма-юз келиш мумкин. Айрим ота-оналар фарзандларни нима

мийимизнинг муқаддас вазифаси, айтиш мумкинки, ҳаётининг маъноси қобил фарзандлар ўстириш, уларни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан муқамал қилиб тарбиялаш, камолини кўриш, ота-онасига, ватанига садоқатли кишилар этиб вояга етказишдан иборатдир.

Jamiyatimiz maqsadi

«Таълим тўғрисида»ги қонунда ҳам белгилаб қўйилган. Чунончи, мазкур қонуннинг 30-моддасида шундай дейилган: «Вояга етмаган болаларнинг ота-оналари ёки қонуний вакиллари боланинг қонуний ҳуқуқлари ва ман- ланиб келинмоқда. Жумладан, Президентимиз Фармони билан «Соғлом авлод учун» орденининг таъсис этилгани, «Соғлом авлод учун» ҳайрият жамағатимизнинг ташкил қилингани, мамлакатимиздаги корхоналар, ташкилотлар, ўзини-ўзи бошқариш идораларининг оталиқ ёрдамлари жамиятимизда ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, эзу қадриятларининг ортиб боришида гоията кўл келтир.

Айни мана шундай сай-ҳаракатларимиз пойдевори муштажам; маънавий қадриятлари усту мустақил Ўзбекистоннинг ривожланишини таъминлайди. Қўрбошимизнинг: «Бизнинг келажакимиз, энг ишончимиз, мадад танчимиз — бу осиб келаятган ёш авлодлардир. Мен ўзим тақдирини ҳам, мамлакатимиз ва мустақиллигимиз тақдирини ва келажакини ҳам ана шу ёшлар қўёғасида, уларнинг пол қалби, эркин тафаккури, муштажам иродаси ва дунёқарашида қўраман», деган сўзлари ҳар биримизни улуг мақсадларга руҳлантиради, гайратимизга гайрат қўшади. Буюк келажакимиз соҳиб бўлиши ёшларни баркамол шахс қилиб тарбиялашдек шарафли бурчимизни адо этишда дастуриламал бўлади.

Лолаҳон ҚАРИМОВА, Адлия вазирлигининг масъул ходими

Jamiyatimiz maqsadi

Британия бош вазири Ироққа янги тузилган ҳукуматни қўллаб-қувватлаш учун келган. Норасмий манбааларда эса Блэрнинг таширфи айни пайтда Ироқдаги ҳарбий ҳаракатларда иштирок этаётган 8 минг нафар Британия ҳарбийлари билан боғлиқлиги таъкидланган. Чунки бош вазири британиялик ҳарбийларнинг ўрнини Ироқ миллий армиясига қачон эгаллаши билан қизиққан. Лондонликларнинг фикрича, тўрт йилдан кейингина ҳориқлик ҳарбийлар Ироқ миллий армиясига жой бўшатиб беради.

Гуантанамода ТАРТИБСИЗЛИКЛАР

АҚШ ҳарбий базаси ҳудудида жойлашган ушбу қамоқхонада оммавий тартибсизликлар юз берди. Тартибсизликларнинг келиб чиқишига қамоқхона нозоратчиларининг бир кунининг ўзида туртинчи маротаба рўй бераётган маҳкумларнинг ўзи жонига қасд қилишининг олдини олиш учун қилган ҳаракатлари сабаб қилиб кўрсатилмоқда. Назоратчилар ўзини осмоқчи бўлган маҳбусни тўхтатиб қолмоқчи бўлган бир пайтда, бошқа маҳбуслар уларга турли темир билан қуролланган ҳолда ҳужум қилиш-

«F-16» САМОЛЁТЛАРИ СОТИЛАДИ...(МИ)?

Венесуэла президенти Уго Чавес ақшанба кўни «Алло, президент» кўрсатувида ҳукумат АҚШда ишлаб чиқарилган «F-16» русумли самолётларни «унинчи мамлакат»га сотишни режалаштираётганини маълум қилди. У бу масалага қуйидагича изоҳ берди:

Тони БЛЭР ИРОҚДА Буюк Британия бош вазири Тони Блэр Ироққа таширфи буюрди. «Reuters» ахборот агентлиги хабарига қараганда, унинг Ироққа таширфи аввалдан режалаштирилмаган. Расмий хабарларга қўра, Буюк



ОЛБРАЙТ ХОНИМНИНГ ТАХМИНИ

Кўни кеча АҚШнинг собиқ Давлат котиби Мадлен Олбрайт Буюк Британия пойтахти Лондон шаҳрида бўлиб, ўзининг «Қудратли ва ҳамма нарсага қодир» номли китоби тақдимот маросимида катнашди. Маълумки, Олбрайт хоним Билл Клинтон таширфи даврида АҚШнинг ташқи сийсат билан шуғулланувчи маъмуриятини бошқарган эди.

«Би-Би-Си» радиосига берган интервьосида собиқ Давлат котиби Ироққа янги ҳукумат тузилганидан мамнуллигини билдирган ҳолда Ироқ Муффоффа ва Ички ишлар вазирлиги лавозимлари билан боғлиқ қандайдир тавсиявий ҳолат эканини алоҳида таъкидлаб ўтди. Шунингдек, у АҚШнинг Ироққа нисбатан ҳарбий ҳаракати тарихида Америка ташқи сийсатининг энг инкирозли даври сифатида қилиши мумкинлиги ҳақидаги тахминини ҳам билдирган.

«F-16» САМОЛЁТЛАРИ СОТИЛАДИ...(МИ)?

ТОНИ БЛЭР ИРОҚДА

Буюк Британия бош вазири Тони Блэр Ироққа таширфи буюрди. «Reuters» ахборот агентлиги хабарига қараганда, унинг Ироққа таширфи аввалдан режалаштирилмаган. Расмий хабарларга қўра, Буюк

Dunyoning ishlari

РУТБАЛИ ОТЛАР

Қадим-қадимдан инсоннинг энг яқин дўсти ва вафодор йўлдоши сифатида жониворлар орасида отлар ва итлар тилга олинади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки итлар ибтидоий жамоат тузумидан бугунги давримизгача одамзоднинг хавфсизлигини таъминлаб келган бўлса, отлар эса ҳаминша энг ишончли ҳамроҳ саналади.



"Ха, булар энди бир эртанда" деган ҳулосага келишга андак шохманг. Қуйида биз энг асосийнинг фидойилиги, жасурлиги ва жанговарлиги билан тарих саҳифасидан муносиб ўрин олган отлар ҳақида ҳикоя қилмиш.

Ҳаётда Александр Македонский ҳақида эшитган одам топилмаसा керак. У ўз даврида харбий салоҳияти, жангвор қобилияти ва жасуриги билан ярим дунёни забт этган санокли жаҳонқирлардан бири ҳисобланади. Бизгача Александр Македонскийнинг харбий салоҳияти, ақл завоқоти ва жангларда қўрсатган қаҳрамонликлари билан боғлиқ турли-туман ҳикоялар етиб келган.

Тарихий манбаларга қараганда, Александр 12 ёшга тулиши муносабати билан отаси унга от соғга қилади. Бу от шу даражада гўзал эдики, уни бир кўрган одам яна бир марта кўришни орзу қиларди. Лекин от ёввойи уорда улғайгани сабабли, бирор-бир кимсани яқинига йўлтайи демасди.

Отлар ҳақида энг қиммат от эса 1985 йилда АҚШнинг Кентукки штатида рўйхатга олинган. Аниқроқ айтганда, штатда ўтказилган қимомиди савдосида Роберт Сангстер ўзига тегишли зотдор тойчоқни сотува қўйган. «Кимомиди» савдосида катнашган Сиетл Дэнсер тойни ролпа-роса 13,1 миллион долларга сотиб олиб, ўзига хос «рекорд» ўрнатган.

«Хавкстер» лақабли от эса тарихда энг учқор от сифатида ном қолдирган. 1989 йилда АҚШнинг Калифорния штатида ўтказилган пойга вақтида «Хавкстер» бир ярим мил масофага 2 дақиқага 22 секундга босиб ўтган. Ҳозирча унинг бу рекордини бирор-бир от янглиги олгани йўқ.

Албатта, ҳаётда катта-кичик отлар учрайди. Ҳўш, дунёда энг кичик от қаерда учрайди, дейсизми? Бундай митти от янубий Калифорния штатида рўйхатга олинган экан. «Литл Пумкин» лақабли бу митти отнинг воғга етган пайдада вази бор-йўғи 9 килограмму 7 граммни ташкил этган.

«Кекса Билли» лақабли от дунёда энг узок умр кўрган от ҳисобланаркан. Маълумотларга қараганда, у ролпа-роса 62 йил умр кўрган. Энг қизғи, у бутун умри давомида фақат биргина корхонада «ишлаган». «Кекса Билли» бир умр Ланкашир штати худудида жойлашган «Мерсий» ва Ирвелл Навигейшен компаниясига қарашли баржарларни судраш билан «шуғулланган» экан.

Яна шуни таъкидлаш ўти керакки, дунёда мавжуд барча жониворлар орасида фақатгина отлар турган жойидан қимирлаб кўрган ўзининг тўрт томони ми қўла олади. Шунингдек, қоронғида кўришга ҳам отга тенг көладиган жонивор йўқ. Энг қизғи, ана шундай «лочин қўла»ли жониворлар ўз тумшуклари ости ва елка қисмини кўра олмас экан...

ЎзЖДТУ талабаси Дилшога ХАМДАМОВА тайдирлади

Tahlil va saboq

«СУД ҚАРОРИ ҚАЧОН ИЖРО ЭТИЛАДИ?»

«Мен 2004 йилнинг 15 апрелида «Худойберди Бекмурод ўғли» фермер ҳўжалигини ташкил этдим. Шу йили туман ҳўкимининг

бўйича Ҳузор туманлараро суди судьяларидан миннатдорим. Улар ўз зиммаларидаги вазифаларини сийқидилдан адо этишди... 2006 йил 3 март кўни жавобгарлар суднинг ҳал қилув қарорини ижросини таъминлаш мақсадида борган суд ижрочилари Д.Қулназаров, Т.Бойтўраев, туман ИИБ профилактика инспекторлари Д.Қулматов, А.Амиров ва бошқа расмий идоралар вакилларининг қонуний талабларини бажариш ўрнига, қаршилик кўрсатиб, жанжал чиқаришга ҳаракат қилишди. Шундан сўнг улар ва ўн нафар ҳолислар далолатнома тузиб, Деҳқонобод туман прокуратурасига топширдик.

Афсуски, орадан шунча вақт ўтган бўлса-да, ҳали муаммо ўз ечимини топгани йўқ. Шунингдек, «Худойберди Бекмурод ўғли» фермер ҳўжалигига тегишли 25 гектар ер ҳам олиб берилмади. Сизлардан илтимом, менга бу муаммони ҳал этишда ёрдам берсангизлар...»

Ушбу муаммонинг ечимини ҳам мутасадди идоралар ихтиёрига ҳавола этиб, озгина мулоҳаза юритиб кўрсак. Бир фуқаронинг фермер ҳўжалигига тегишли қонуний ерни олиш учун бир неча йил овора-ю сарсон бўлишига сабаб нима? Назаримизда, бу ўрнида ҳам маҳаллий раҳбарларнинг эътиборсизлиги, ўз вазифаларига панжа орасидан қарашли оддийгина бир муаммонинг йиллаб қўзилишига олиб келган. Мақолада нуқта қўйишдан аввал яна шуни таъкидлаб ўтишни истар эдик, қаердаки фуқароларнинг мурожаатлари ўз вақтида ва қонун доирасида эътибор берилмас экан, шубҳасиз, уша жойда шикоятбозлик авж олади. Шундай экан, ҳар биримиз ўзимизга бириктирилган вазифага виждонан ёндашишимиз, зиммамиздаги масъулиятимиз, ўз вақтида адо этишимиз, қонун талабларига оғишмай рияз этишимиз шарт. Ана шунда ортиқча аризабозликка ҳам ўрин қолмайди.

Ислому ХАМРО, «Инсон ва қонун» муҳбири

қан фуқаро сингари Тошкент шаҳрида яшайди ва бошқа соҳада ишлайди. Шундай экан, «Сойлик» ширкат ҳўжалигини туғатиш комиссияси расмининг 45-лойиҳадаги ерни фуқаро бўлишича, 45-лойиҳа бўйича уч номзоднинг орасида голиб бўлган фуқаро ўз аризасига би-

қилганим йўқ.

Лекин 2006 йил 1 март кўни 45-лойиҳа бўйича ўтказилган тендер танлови натижаси бекор қилинган, комиссияга ариза билан мурожаат қилдим. Маълум бўлишича, 45-лойиҳа бўйича уч номзоднинг орасида голиб бўлган фуқаро ўз аризасига би-

ҚОНУННИ БИЛГАН ҚОҚИЛМАЙДИ

ноан ерни қайтариб топширган. Шунинг учун ҳам қонун талабидан келиб чиққан тендер танлови комиссияси аъзолари ушбу лойиҳа бўйича қайта танлов ўтказишни режалаштирган...

Хуллас, мен тендер танловида қатнашиш учун барча ҳужжатларни тайдирладим. Юқорида айтиб ўтганимдек, ўзим олий маълумотли агрономман. Шахсий «МТЗ-80», «ЮМЗ-6» русумли тракторларим ва кишлоқ ҳўжалигида ишлатиладиган бошқа техникаларим бор. Демак, танловда итиш имкониятим бошқа номзодларга нисбатан юқорироқ эди. Шунинг учун ҳам 2006 йил 2 майда ўтказилиши керак бўлган танловни кўчиб юргандим. Лекин яқинда танлов бўлмаслиги ҳақидаги хабарни эшитиб қолдим. Маълум бўлишича, 45-лойиҳадаги ер майдони биринчи тендер танловида ютказган Т.Мусаматовга бериб юборилибди. Ваҳоланки, «Фермер ҳўжалиги тўғрисида»ги қонунда биринчи ўтказилган танлов бекор қилинган, албатта, қайта танлов ўтказиш шартлиги белгилаб қўйилган. Қолаверса, айни пайтда 45-лойиҳадаги ерга эғлик ҳуқуқини қўлга киритган Т.Мусаматов ҳам худди биринчи тендер танловида голиб чиқ-

Нима учун қайта тендер танлови ўтказилмади?!

Албатта, А.Мирзахметовнинг юқоридаги саволларига мутасадди идоралар вакиллари жавоб беришади. Бизни эса масаланинг бошқа жиҳати ўйлантириб қўйди. Ҳўш, биринчи тендер танлови натижаси бекор қилиниб, тендер голиби 45-лойиҳадан ердан воз кечган экан, нега қайта танлов ўтказилмади? Агар мавжуд ер майдони Т.Мусаматовга қонуний асосда берилган бўлса, унда тендер танлов комиссияси аъзолари нега ўз вақтида А.Мирзахметовга тўшунтириш бермади?

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакики, агар 45-лойиҳадаги ер Т.Мусаматовга қонуний асосда берилган ҳақида ўз вақтида аризадаги тўшунтирилганида эди, бугун А.Мирзахметов юқори идораларга ариза ёзиб юрмаган бўларди.

Навбатдаги мактубни бизга Қашқадарё вилояти, Деҳқонобод тумани, Шакарбулоқ қишлоғида яшовчи фуқаро Абдулатиф Бекмуродов йўллаган.

қарори билан фермер ҳўжалигимизга 25 гектар ҳайдаладиган лалми ер майдони ажратиб берилди. Лекин ҳамон қонуний фермер ҳўжалигига тегишли бўлган ер майдонидан фойдалана олмаयман. Чунки менга ажратилган ерни Камол Кўчимов, Нурсафар Туллев, Музафар Номозов, Норуққор Шайдуллаев ва Камол Суёнов эғаллаб олишган.

Улар ҳеч бир мурося мадорига қўнишмагач, 2005 йилда Қашқадарё вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилдим. Ишни ҳар томонлама ўрганиб чиққан адлия ходимлари фуқаролик ишлари бўйича Ҳузор туманлараро судига даъво аризаси киритди. Адлия бошқармасининг даъво аризасини кўриб чиққан фуқаролик ишлари бўйича Ҳузор туманлараро суди 2005 йилнинг 28 ноябрида еринг ҳақиқий эгаси, яъни «Худойберди Бекмурод ўғли» фермер ҳўжалигига олиб бериш ва жавобгарлардан фермер ҳўжалиги фойдаласига 10 минг сўмдан ундириб бериш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарди. Мен вилоят адлия бошқармаси ва фуқаролик ишлари

БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ҚОРХОНАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ АДЛИЯ БОШҚАРМАСИ ҚУЙИДАГИ ИНШООТГА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТЛАРНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси маъмурий биносининг фасадини реконструкция қилиш. Муддати — 60 кун. Бошланғич нархи (КҚС билан) — 57.126.000 сўм. Буюртмачи — Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси. Манзил: Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри Ҳазратлар кўчаси 55-уй.

Телефон: (8-375) 221-12-04, 221-19-52. Факс: 221-18-17. Қурилиш ишларини молиялаштириш — Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси маблагини ҳисобидан амалга оширилади. Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: — етарли қасбий ва техникавий малакага; — иншоот қийматининг қамида 20 фоиз микдори-

да айланма маблагига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки ушбу маблагларни тақдим қилишга банк қарз қилишга мавжудлиги; — молиявий имкониятлар ва етарли ишчи кучи ресурсларига; — шартнома (контракт) тузишга лаёқатли; — юридик ҳуқуққа эга, шунингдек, иншоотларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги ва ишончли бўлиши шарт.



Йўллар ва тақдирлар...

Савдода иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини сотиб олиш учун сўронома билан савдо ташкилотчиси Қарши шаҳри, Ҳазратлар кўчаси, 52-уйда жойлашган капитал қурилиш ва танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиши мумкин. Тел/факс: (8-375) 221-07-79. Оферталар савдо ташкилотчиси томонидан юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади: Бир тўламан тендер ҳужжатлари нар-

хи — 60.000 сўм. Тендер ҳужжатларини маъмурий эълон матбуотда чоп этилгандан сўнг 25 кунгача сотиб олиш мумкин. Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчиси тақдим этиш охириги муддати — оферталар очилиш кўни ва соати. Тендер савдолари матбуотда эълон чоп этилгандан сўнг 30 кундан кейин «Ташкилотчи» Қашқадарё вилояти капитал қурилиш ва танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази билан савдога ўтказилади.

Манзилимиз: Қарши шаҳри, Ҳазратлар кўчаси 52-уй.

ЭЪЛОН! Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси ҳузурдаги адвокатура бўйича малака комиссиясининг 2006 йил 18-апрелдаги 3-сонли қарори билан Термиз шаҳар юридик маслаҳат уйи адвокати Воҳидов Абдурахим Рашидовичга тегишли 24-ноябр 1998 йилда берилган 000086-рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланувчи лицензияси БЕКОР ҚИЛИНДИ.

ДАВОМИ. БОШИ УЧИНЧИ БЕТДА

Харидор топиш эса Бекнинг вазифаси. Биринчи «операция»га шахсан ўзим раҳбарлик қиламан. Пул деганини ердан сулуриб оламиз. Ҳаммаси хамирдан қил сулургандек нима-жиҳмида бўлади, чўчишга ҳожат йўқ. Бу ҳуфёна учрашувдан сўнг 3 кун ўтиб-ўтмай, Бек ўз ҳамтовогои Воитга 3 килограмм «героин» ва 800 грамм куритилган кўкнори сотиб оладиган харидор топиладиганини айтди. Бу хабардан оғзи қўлгога етган В.Хўжаев шу кўннинг ўзидаёқ М.Мунавваровга телефон орқали «буюртма» берди. М.Мунавваров ҳам бу хабарни эшитган, дарров ҳаракатга тушди. У Сафар исмли танишидан 2961.48 грамм, 7.500 АҚШ доллари микдорида баҳоланган гиёҳвандлик моддасини насияга олиб, қайдасан Чинос дея йўлга тушди. У Тожикистон Республикаси билан туташ Тошкент вилояти, Бекобод тумани чегара худудидаги айланма йўллар орқали «юк»ни олиб ўтди. Воит Хўжаев эса бу «омонат»ни Чинос туманидаги Т.Эрназаров номидаги ширкат ҳўжалиги худудида жой-

лашган гаражга яшириб қўйди. Қисқаси, иш хамирдан қил сулургандек сийлиқ кечган, энди «харидор» келиб, «юк»ни олиб кетса, бас, пул дегани баргача зондек ёғилади. Ҳамтовоклар ўзларича шундай ширин хаёлларга берилиб, «харидор»ни ку-

ланган гиёҳванд моддасини Мақсуднинг қўлига тутқади. Ҳўш, навбатда Мақсуд уни «Нексия»нинг юқонсизига жойлағач, Мунавваровга юзланди-да: — Энди машина ичига кириб, пулни шо-шқилмасдан санаб олаверинг, — деди. жон-жаҳди билан ўзини ташқарига отди ва апил-тапил қочиб қашди. Аммо у бир қадим қўйишга улгурмай қадаст милиция ходимининг оёқлари остига қандай қилиб юзубан йўқили тушганини ўзи ҳам сезмай қолди. Воитнинг қўлига ҳам қишан солинди. Фақат Бек жиноят содир этилган жойдан яширинишга улгурди. Воқеа содир этилган жой ёниги қўйиш шаҳобчасига яқин худудда жойлашганлиги сабаб фуқаролар хавфсизлиги нуқта-назаридан ўқотар қуролдан бирор марта ҳам фойдаланилмади. Аслини айтганда, бу жиноий тўда ташкил қилинган кўндан бошлаб, уларнинг барча ҳатти-ҳаракатлари ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан назоратга олинган эди. Ички ишлар ва-

Суд очерки Ва у машина салонига кириб ўтиргач, автомашина чироқларини икки марта ёқиб-ўчириди. Жиноий шериклар эса бунга эътибор бермади. Аслида бу шартли белги бўлиб, жиноятчиларни қўлга олиш операцияси бошланганидан дарак берарди. М.Мунавваров «Нексия»га ўтирган захотий Мақсуд тўппонча тўғрилаб турганини кўрдию,

Jinoyat va jazo

зирлиги Наркотрафик ва наркотик моддаларнинг гайриқонуний айланishiга қарши кураш бошқармаси тезкор ходимлари томонидан ўтказилган «назоратли харид» тадбир натижасида мамлакатимизга ноқонуний олиб қилинган 2961.48 грамм «героин» гиёҳвандлик воситаси олиб қўйилди. Шунингдек, 666.15 грамм кўкнори бошқоқлари ҳам «эгаси»га етиб бормади. Ашаддий жиноятчи Мунаввар Мунавваров Чинос туманидаги қариндошлариникидан топилган ва ноқонуний йўллар билан олинган, бунинг устига мuddати ўтган қалбаки паспорти тан олишдан бош тортиди. Яқинда жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти суди уларнинг жиноятига яраша қонуний жазо тайинлади. Шу тариха қабиҳликнинг яна бири илдизига болта урилди. Худойкул ХОЖИЕВ, ҳуқуқшунос Рустам ХУДОЙКУЛ, «Инсон ва қонун» муҳбири

ҚИРҚИЛГАН «ИЛДИЗ»

ИНСОН ВА ҚОНУН
МУАССИСА:
ЎЗБЕКИСТОН РЕПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРАЛИГИ
2003 йил 29 декабрда
Ўзбекистон Матбуот ва
Аxbорот агентлигида
078-рақам билан
рўйхатга олинган
1996 йилнинг январдан
нашр этилади

Бош мухаррир: Шодикул ХАМРОЕВ
ТАХРИР ХАЙЪАТИ:
Буритшо МУСТАФОЕВ
Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ
Пўлат САМАТОВ
Маъжуда РАЖАБОВА
Хуриш Содиқов
Абдуқамол РАҲМОНОВ
Маъмул САТТОРОВ
Ислому ХАМРО
Нормейян НОРПУЛАНОВ

Тахририятга юборилган қўлзма-лар эғаларига қайтарилмайди. Му-аллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Факт ва далиллар тўғрисидаги учун масъулият муаллифлар зиммасида-дир.

Навбатчи:
Бобмурод
РАЙИМОВ
Саҳифаловчи-
дизайнер:
Фарход
ХУЖАНАЗАРОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси тахририяти компьютер ба-засида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичирида, 2 бо-са табак ҳажмида, офсет усулида. «Шарк» нашриёт-матбаа ак-циядорлик компанияси: Босмаҳовида босилди. Қорона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Тўроқ кўчаси 41-уй. Бўжур-ма Г-715. Тиражи — 7500. Босишга топшириш вақти — 21.00. Топшириди —

Манзилимиз:
700047, Тошкент ш.
Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 133-70-65,
133-84-50
1 2 3 4 5